

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

Н. Халилов, А Хушвақтов

**ВЕТЕРИНАРИЯ, ЗООТЕХНИЯ ВА ҚОРАҚЎЛЧИЛИК
ФАКУЛЬТЕТИ ТАРИХИ**

Самарқанд-2010

ВЕТЕРИНАРИЯ, ЗООТЕХНИЯ ВА ҚОРАҚЎЛЧИЛИК

ФАКУЛЬТЕТИ ТАРИХИ

(Очерк)

Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультети 2004 йилда ветеринария, зоомухандислик ва қоракўлчилик факультетларини бирлаштириш асосида қайта ташкил этилган бўлиб, Мустақил Республикамиз Давлат ветеринария хизматининг ва чорвачилигининг барча соҳалари, шунингдек, наслчилик ва қоракўлчилик соҳалари учун бакалавр ва магистр даражасидаги ветеринария врачлари, зоомухандислар етказиб берадиган ягона факультет ҳисобланади.

Факультетнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, олдинги ветеринария факультети 1929 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосчилари А.А.Алеутский ва А.С.Найденовлар ҳисобланиб, шунингдек, факультетнинг шаклланишида Л.Н.Попов, П.П.Тимофеев, А.А.Черногоров, П.П.Виноградов, М.Т.Тимофиевский, Ш.Х.Хожибеков, А.Троицкий ва С.Г.Юдинлар жонбозлик кўрсатишган.

Улуғ Ватан урушидан олдинги йилларда факультетда ЎзРФА мухбир аъзоси, профессор Г.А.Кудрявцев, профессорлар В.С.Зарубинский, Н.В.Баданин, М.В.Нехотяев, И.И.Архангельский, А.В.Черкасова, А.К.Бессонов, Р.М.Восконян, Р.Г.Мустакимов, А.М.Ахмедов, З.Х.Рахматулин, Х.К.Хездюк, доцентлар Х.Р.Фарходи, В.С.Золотов, Н.Ф.Скавиш, В.В.Волков, А.И.Ярмашкиевич, К.П.Чепуров, В.С.Хатеев, А.К.Малюков, А.С.Наконечный, А.Авербурглар самарали фаолият кўрсатганлар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида академик К.И.Скрябин, профессор И.Е.Мозгов, К.Р.Викторов, И.Е.Коляков, Г.Домрачев, П.Е.Ионов, А.Плахотин, А.А.Журавль, Н.Р.Семушкин, Б.М.Оливков, Н.М.Климов, И.Г.Шарабрин каби ҳарбий ветеринария академиясининг олимлари ветеринария факультетида фаолият кўрсатиб, Ўзбекистонда ветеринария

илм-фанини ривожланиши ҳамда маҳаллий кадрларни тайёрлашда улкан ҳиссаларини қўшишган.

Ўзбекистонда ветеринариянинг ривожланишида ва юқори малакали ветеринария фани олимлари ва мутахассисларини тайёрлашда олимлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари Э.Х.Иргашев, Х.З.Иброҳимов, профессорлар С.Н.Воҳидов, Р.Ҳ.Ҳайтов, Д.Х.Нарзиев, Ш.Т.Расулов, Ш.А.Азимов, У.Я.Узоқов, Н.Г.Шатохин, А.Д.Душанов, М.П.Парманов, доцентлар З.И.Дерябина, А.М.Каргапалова, Д.А.Товмасян, Т.А.Абдурахмонов, М.Т.Жданова, В.А.Поляков, А.А.Покудин, М.С.Ҳабиев, А.И.Баданина, Н.А.Владимирова, Ф.Р.Холмухаммедов, Ш.М.Холматов, Н.Г.Бочкарев, Е.Г.Фомина, С.С.Аминов, В.Е.Старков, О.Т.Туракулов, Э.Ф.Мухтаров, Б.К.Кучкаров, Р.Р.Рузметов, Н.Г.Хамидов, П.В.Бонка, Н.М.Муродов, А.С.Лебедев, М.Г.Левченко, Ҳ.Б.Ҳайдаров, П.Б.Бобоев, М.Б.Бобоева, Н.Г.Хамитов, А.С.Сулаймонов, А.Н.Нуруллаев, Б.Д.Тулабаев, Ҳ.Қ.Бурханова, Н.М.Самародов, Я.Ж.Жиянов, Б.Я.Ярматов, А.А.Камалов, Э.И.Ибрагимов ва бошқалар фидокорона меҳнат қилганлар.

Факультетни тугатганлар орасидан раҳбар ходимлар етишиб чиққан бўлиб, Н.Ж.Худойбердиев Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси лавозимида, профессор Н.М.Матчанов Ўзбекистон Олий Совети раиси лавозимида, М.А.Ахметбабаев, К.А.Ахунов, Д.С.Сайфиддинов, Б.С.Саиткулов, А.К.Куранбаев ва бошқалар Ветеринария Бош Бошқармасининг бошлиғи лавозимида ва шунингдек, бошқа соҳаларда хизмат қилишиб, факультетнинг дунёга танилишида ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишганлар.

Собиқ «Зоомухандислик» факультети ҳам 1929 йилда Ўзбекистон Давлат зооветеринария институти таркибида ташкил этилган бўлиб, факультетга дастлаб К.Мирбобоев, кейинчалик, П.В.Арапов, С.Л.Попков, 1942-1953 йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор П.М.Пушкарев, К.К.Саковский, кейинги йилларда доцент Н.Ф.Скавиш, профессорлар А.А.Рахимов, К.А.Ермолаев, Н.О.Мавлонов, П.С.Собиров, З.Т.Туракулов, доцентлар С.А.Кубаева, С.Д.Дўсткулов ва профессор

А.Қ.Қаххоровлар раҳбарлик қилишиб, факультет ҳамда зоомухандислик фанининг ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда факультетга бир қанча олимлар, шу жумладан профессорлар С.А.Груздев, К.В.Даль, П.М.Пушкарёв, Ю.И.Балабан, доцентлар П.В.Арапов, П.С.Кочетков, А.М.Херасков, С.Л.Попков, Н.Ф.Скавиш, М.С.Каллигина, К.М.Матусевичлар жалб этилган ва чорвачилик фанининг ривожига ҳамда маҳаллий кадрларни тайёрлашда хизматлари катта бўлган. Бу олимларнинг ташаббуслари билан янги кафедралар ташкил этилган.

Қоракўлчилик кафедрасини дастлаб профессор Ф.Ф.Епанчинцев, кейинчалик. доцентлар П.В.Арапов ва С.Л.Попковлар бошқаришган. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш кафедрасини дастлаб профессор С.А.Груздев, кейинчалик. профессорлар Ф.Ф.Епанчинцев, Ю.Н.Балабан, доцентлар П.С.Кочетков, В.Д.Соколовлар бошқарган. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш кафедрасини дастлаб доцент С.Л.Попков, уруш йилларида ВАСХНИЛнинг фахрий академиги Д.А.Кисловский ва профессор Е.А.Борисенколар раҳбарлик қилишган. Кейинги йилларда факультетнинг мавқеи ортиб, анча кенгайган. Бунда профессорлардан С.А.Груздев, Ф.Ф.Епанчинцев, В.П.Кулигин, Б.Г.Туркевич, А.А.Черногоров, Х.И.Клейн, К.В.Даль, П.М.Пушкарёв, доцентлардан С.Л.Попков, П.В.Арапов, П.С.Кочетков, А.С.Найденов, М.С.Бурнашев, С.Г.Юдин кабиларнинг хизматлари катта бўлган. 1953-1954 йилларда доцент С.Ф.Маман, 1955 йилда доцент Н.Ф.Скавиш, 1956 йилда профессор К.А.Ермолаев, 1956-1957 йилларда профессор А.А.Рахимов, 1957-1969 йилларда профессор Н.О.Мавлонов, 1970-1975 йилларда профессор П.С.Собиров, 1975-1985 йилларда профессор З.Т.Турақулов, 1985-1990 йилларда доцент С.А.Кубаева, 1991-1996 йилларда доцент С.Д.Дустқулов, 1996-2004 йилларда профессор А.Қ.Қаххоровлар раҳбарлик қилишиб, факультетнинг ривожига катта ҳисса қўшганлар.

Зоотехния факультетини битирганлар орасидан бир неча раҳбар ходимлар ва атоқли олимлар етишиб чиққан, ВАСХНИЛ ва Тожикистон фанлар академиясининг академиги Ғ.А.Алиев, ВАСХНИЛ академиги Ш.А.Акмалхонов, академиянинг мухбир аъзолари У.Н.Носиров, К.К.Карибаев, Р.Г.Валиев, профессор А.А.Рахимов, Д.Ю.Хамракулов ва бошқалар шулар жумласидандир.

9.1. ЗООТЕХНИЯ, ҲАЙВОНЛАР ГЕНЕТИКАСИ ВА УРЧИТИШ КАФЕДРАСИ

«Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш кафедраси 2008 йилда зоотехния, ҳайвонлар генетикаси, селекцияси ва ветакушерлик» кафедраларининг бирлаштирилишидан ташкил топган.

Собиқ «Хусусий зоотехния» кафедраси 1929 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик институти таркибида ташкил топган бўлиб, унинг ташкилотчилари профессорлар В.П.Черногоров ва К.В.Даль ҳисобланади, улар кафедрани бошқарганлар. 1938-53 йилларда кафедрага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор П.М.Пушкарёв раҳбарлик қилган ва ўқув жараёнини такомиллаштириш билан бирга қатор шогирдлар тайёрлаб, ўз мактабини яратган. 1953-54 йилларда кафедрага профессор К.К.Саковский, 1954-56 йилларда профессор А.К.Ермолаев раҳбарлик қилган.

Кафедрада зоотехния фанининг фидоийларидан А.К.Ермолаев, К.К.Саковский, М.А.Пэрн, Д.И.Косолапов, В.Г.Шацкий, П.К.Трофимов, В.М.Шепетюк, К.Г.Горшкова, П.М.Кулангиев, А.З.Мухторов, Б.Л.Ленский, И.Х.Исмоиловлар ишлаган. 1957-78 йилларда кафедрага профессор Н.О.Мавлонов раҳбарлик қилган, қатор дарслик ва ўқув қўланмаларни chop эттирган. Ёш олимларни тайёрлашга алоҳида этибор бериб, қатор фан номзодларини тайёрлаб, ўз мактабини яратган. Кафедрада шу даврда ассистентлар М.И.Бисерова, З.Т.Туракулов, С.С.Салимбоевлар фаолият кўрсатишган.

1969 йилда «Хусусий зоотехния» кафедраси таркибидан «Паррандачилик» кафедраси ажралиб чиқиб, кафедрани доцентлар П.М.Кулангиев ва А.Р.Сагамонов бошқарганлар. Кафедрада доцентлар А.Т.Стажарова, Б.Л.Ленский, О.Жуманиёзов, И.Исмоилов, М.Г.Кандауорова, С.Мирзаевлар ишлаганлар. Кафедрага 1978-80 йилларда доцент Н.И.Бисерова, 1980-89 йилларда доцент С.С.Салимбоев раҳбарлик қилган. Кафедрада доцентлар А.З.Мухторов, И.Мақсудов, Д.Холмирзаев, А.Рузиев, Б.А.Беленко, М.Ярбеков, М.Чутбоев, лаборантлар З.Аллаберганова, Исмоиловалар фаолият кўрсатишган.

1981 йили «Хусусий зоотехния» кафедрасидан қорамолчилик ва чорва махсулотларини ишлаб чиқариш технологияси фанлари ажралиб мустақил кафедра бўлган. Унга микробиология кафедрасидан «Сутчилик иши» ва «Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари махсулотлари технологияси» фанлари олиб берилган. Кафедрага 1981-1988 йилларда доц. И.М.Мақсудов раҳбарлик қилган.

1989-1998 йилларда кафедра мудири бўлиб профессор З.Т.Турақулов ишлаган. 1998 йилда кафедрага «Йилқичилик» курси ўтказилиб, «Қорамолчилик ва йилқичилик» кафедраси ташкил этилган, кафедра мудирлигига қ.х.доктори Д.Холмирзаев сайланган. Шу даврларда профессор З.Т.Турақулов доцентлар А.Нарзуллаев, Б.Рустамов, А.Абдурасулов, ассистентлар А.Амиров, К.Уралов, О.Ражабов, лаборантлар С.Ражабова Г.Шарипова фаолият кўрсатишган.

«Хусусий зоотехния» кафедрасига 1989 йилдан то 2004 йилгача қ.х.ф доктори И.М.Мақсудов мудирлик қилган. А.Р.Сагомонов, Д.Холмирзаев, А.Рузиев, Б.А.Беленко, Ю.Эрматов, М.Ярбеков, Ж.Жураев, Э.К.Чориев ва бошқалар турли йилларда фаолият кўрсатган. 2004 йилнинг сентябр ойида «Қорамолчилик ва йилқичилик», «Хусусий зоотехния», «Қоракўлчилик» кафедралари бирлашиб «Зоотехния» кафедраси ташкил этилган. Ушбу кафедрага 2005 йилда доцент С.Э.Шаптақов, 2006 йилларда ассистент, қ.х.ф.

номзоди Б.Тугаловлар раҳбарлик қилган. 2007 йилдан бугунги кунгача профессор Д.Холмирзаев кафедра мудири бўлиб келмоқда.

Кафедрада шу даврларда профессор Ю.Юсупов, к.х.ф. доктори И.М.Максудов, доцентлар С.Э.Шаптақов, О.Иноятов, М.Ярбеков, Ж.Жураев, Ю.Эрматов, С.Бозоров, доц в.бажарувчилар С.Сатторов, Б.Тугалов, катта ўқитувчи Ш.Амиров, Р.Рўзимурадов, ассистент Ш.Қурбоновалар меҳнат қилганлар. Кафедра таркибида қоракўл музейи, сут ва гўшт, жун маҳсулотларини таҳлил қилиш лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Қисқа вақт ичида бир нечта ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар тайёрланди.

Кафедрада «5А620604-Йилқичилик ва Туячилик»; «5А620610-Қоракўлчилик»; «5А620611-Қоракўлчилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш технологияси» мутахассисликлари бўйича бир қанча магистрлар тайёрланди. Бу ишларда профессор Д.Холмирзаев ва С.Юсуповаларнинг хизматлари катта.

«Зоотехния» кафедрасининг таркибида бўлган собиқ «Қоракўлчилик» кафедраси 1932 йилда ташкил этилиб, унинг биринчи мудири Ф.Ф.Епанчишев ҳисобланади. Кафедрага 1932-42 йилларда П.В.Арапов раҳбарлик қилган. 1942-1947 йилгача С.Л.Попков мудирлик қилган. 1947 йилдан бошлаб кафедрага профессор А.А.Рахимов раҳбарлик қилган. Кейинги йилларда «Қоракўлчилик» кафедрасига доцентлар Ш.М. Ризаев, А.С.Лебедев, У.Н.Облоқулов, С.М.Маматов, А.И.Исмоилов, В.Х.Солиев, С.Э.Шаптақов, С.Ю.Юсупов, А.И.Иноятовлар мудирлик қилишган. Турли даврларда ушбу кафедрада Ю.Н.Носиров, А.К.Лебедев, У.Б.Саъдуллаев, Н.С.Бадалбаев, Ш.М.Ризаев, Т.М.Ахмаджонов, Ш.А.Абдивохитов, Б.Т.Таганов, Н.Белоброва, И.К.Хошимов, О.Р.Ражабов, А.И.Исмоилов, С.Шаптақов, А.А.Рахимов, А.Иноятов, С.Р.Бозоров, Р.Х.Рузимуродов, С.Б. Сатторов, лаборантлар З.Сафарова, Д.А.Бисеровалар ишлаганлар.

1965 йилда «Тери ва товаршунослик» кафедрасига доцент Ш.М.Ризаев мудирлик қилган. Кафедрада доцентлар Т.М.Ахмеджанов,

Б.Х.Салиев катта ўқитувчилар Н.Ф.Белоброва, Б.Т.Таганов ассистент Р.Х.Рўзимуродов, музей мудири Х.Каримов ишлаган.

Собиқ «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва генетика» кафедраси 1934 йил 1 июлда ташкил этилган бўлиб, 2004 йилгача шу ном билан аталиб келди. Унинг дастлабки мудири доцент С.Л.Попков бўлган, у 1934 йилдан 1942 йилгача ушбу кафедрани бошқарган, ҳамда институт ректори бўлиб ишлаган. Уруш йиллари Самарқандга Москва қишлоқ хўжалик Академияси кўчириб келгандан сўнг, ушбу кафедрага академик Д.А.Кисловский 1942-1943 йилларда мудирлик қилган. Сўнгра шу академия билан бирга келган ва ушбу кафедрада ишлаган профессор Е.Я.Боресенко 1943-1944 йилларда кафедрани бошқарган. 1944 йилнинг охирларида Москва қишлоқ хўжалик Академияси Москвага кўчиб кетгандан сўнгра кафедрага 1945-1948 йилларда катта ўқитувчи И.Л.Мовшович раҳбарлик қилган. 1949 йилдан 1954 йилгача кафедрага доцент С.Л.Маман раҳбарлик қилган. 1954 йилдан 1980 йилгача кафедрани профессор С.З.Жалилов бошқарган.

Кафедрада турли даврларда етакчи олимлар ва ходимлар ишлаганлар. Жумладан ВАСХИЛ ва Тожикистон республикаси фанлар академиясининг академиги Г.А.Алиев, Х.Абдураззоқов, А.З.Мансуров, Ю.Я.Носиров, З.Т.Турақулов, Р.Ю.Омирова, Л.А.Ломашева, Г.И.Бушуева, М.Хамидов, И.И.Голубкин, Л.Ф.Фатхуддинова, С.А.Калужин, Х.М.Хамиджонов, И.И.Якубов, лаборантлар М.Алиева, С.Хамидова ва бошқалар ишлаганлар.

Ушбу кафедрага 1980 йилдан 1996 йилгача профессор П.С.Собиров раҳбарлик қилган. 1996 йилдан 1998 йилгача бу кафедрани профессор А.К.Кахаров бошқарган. 1998 - 2004 йилларда кафедрага доцент С.Д.Дўстқулов мудирлик қилган.

2004 йилнинг охирига келиб ветеринария зоотехния ва қорақўлчилик факультетлари бирлаштирилгандан сўнг ушбу кафедрага илгари «Акушерлик ва фармокология» кафедрасида бўлган «Ветеринария

акушерлиги ва ҳайвонларни сунъий қочириш» фанлари «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва генетика» кафедрасига бирлаштирилди ва кафедра қайта ташкил этилиб «Ҳайвонлар генетикаси, селекцияси ва ветакушерлик» кафедраси деб номланди ва бу кафедранинг 2004 йилдан 2008 йилгача доцент С.Д.Дўстқулов бошқарган. Шу даврдан ҳозиргача профессорлар П.С.Собиров, А.Қ.Кахаров, доцентлар А.А.Рахимов, А.Ш.Шерматов, Ф.Исроилов, П.М.Маматов, доцент в.б. Э.С.Шаптақов, ассистент М.Норбоева, катта лаборант Ш.Набиев ишлаб келдилар ва ишламоқдалар.

2008 йилнинг сентябр ойида ушбу кафедрадан «Ветакушерлик ва ҳайвонларни сунъий қочириш» фани «Ҳайвонлар касалликлари ва паразитология» кафедрасига ўтказилди ва бу кафедра «Зоотехния» кафедрасига қўшилиб, ҳозирги даврда ушбу кафедра «Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш» кафедраси деб номланиб келинмоқда ва кафедранинг профессор Д.Холмирзаев бошқармоқда.

Ҳозирги кунда кафедрада профессорлар П.С.Собиров, А.Қ.Кахаров, доцентлар А.Ш.Шерматов, А.А.Рахимов, Ю.Эрматов, доцент в.б. М.Ярбеков, Ж.Жураев, Э.С.Шаптақов, Б.Тугалов, катта ўқитувчи, қ.х.ф. номзоди Ш.Амиров, ассистент М.Норбоева, катта лаборантлар Ш.Набиев, Ш.Қурбонова, С.Юсупова, М.Қурбоновалар меҳнат қилмоқдалар.

Кафедра олимлари томонидан бир нечта дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзилиб чоп этилган, жумладан Н.О.Мавлонов томонидан «Чўққачилик», «Қорамолчилик», З.Т.Турақулов, Н.М.Бисеровалар, «Қорамолчиликдан практикум», З.Т.Турақулов, А.З.Мухторов, Д.Холмирзаев томонидан «Йилқичилик», Д.Холмирзаев томонидан «Йилқичиликдан амалий машғулот» китоблари П.С.Собиров ва С.Д.Дўстқуловлар томонидан «Генетика асослари ва чорва молларини урчитиш», П.С.Собиров, А.Қ.Кахаров, С.Д.Дўстқуловлар томонидан «Генетикадан амалий машғулотлар», С.Д.Дўстқулов, А.Қ.Кахаров, Ф.И.Исроилов томонидан «Чорва молларини урчитиш» фанидан амалий машғулотлар, П.С.Собиров, А.Қ.Кахаров, С.Д.Дўстқуловлар томонидан «Чорва молларини урчитиш»,

2006 йилда профессор П.С.Собиров томонидан «Генетика ва биотехнология асослари» номли электрон дарслик ёзилиб, chop этилган.

Кафедра ходимларидан 5 киши С.З.Жалилов, П.С.Собиров, И.М.Максудов, А.К.Кахаров, Д.Холмирзаевлар докторлик диссертациясини химоя қилиб, профессор унвонига эга бўлдилар.

Кафедрада институтнинг ҳамма факультетлари талабаларига хусусий зоотехния, умумий зоотехния ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси фанлари ўқитилиб келинмоқда.

Кафедра профессор ўқитувчиларининг салоҳиятини оширишда аспирантура орқали ёш кадрларни етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Зоотехния фанларини дарслик ўқув, услубий қўлланма, методик кўрсатма ва тавсияномалар билан таъминлаш, шунингдек, Ҳамдустлик Давлатлари миқёсида илмий амалий ёрдам кўрсатишда бирмунча ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Кафедранинг илмий-педогогик салоҳияти катта. Ҳозирги даврда кафедрада 3 нафар қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессорлар, 5 нафар фан номзоди, доцентлар, 1 нафар фан номзоди катта ўқитувчи, илмий даражасиз 1 киши ва бошқа ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Кафедрада профессорлар Д.Холмирзаев, А.К.Кахаровларнинг раҳбарлигида умумий мавзу «Ўзбекистон республикасининг марказий ва жанубий ҳудудларида экологик тоза, юқори сифатли чорва маҳсулотларини кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш», профессор П.С.Собиров раҳбарлигида «Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари шароитларида қора-ола зотини голштин-фриз зоти, қизил чўл зотини англери зоти билан частиштириш натижасида юқори маҳсулдор подаларни яратиш», мавзусида илмий ишлар бажарилмоқда.

Кафедра олимлари томонидан 20 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалар 200 дан ортиқ услубий, методик кўрсатмалар, тавсиялар ва 2000 дан ортиқ илмий мақолалар chop этирилган бўлиб, бир нечтаси халқаро конгресс ва семинарларда чорвачиликнинг қорамолчилиги, йилқичилиги,

паррандачилик соҳаларининг ривожланишига улкан хиссаларини қўшишганлар. Кафедра мутахассисларни шакллантирувчи асосий кафедраларидан бири ҳисобланиб, ёш кадрларни тайёрлашда тутган ўрни муҳимдир.

Кафедрада магистратура ва аспирантура мавжуд. Кафедрада 3 йўналиш бўйича 5 А 620602 «Наслчилик», 5А620608-«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларни урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси», 5А620604-«Йилқичилик ва туячилик» бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Профессорлар А.К.Кахаров раҳбарлигида 2 киши, Д.Холмирзаев раҳбарлигида 1 киши ва И.М.Максудов раҳбарлигида 1 киши номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганлар ва улар раҳбарлигида бугунги кунда 2 нафар аспирант, 4 нафар аспирант тадқиқотчи ва 1 нафар докторантлар илмий изланишларини давом этирмоқда. Профессорлар Д.Х.Холмирзаев ва А.К.Кахаровлар грант соҳиби сифатида ХА – 10 – 080 Давлат илмий дастурига раҳбарлик қилиб, чорвачилик фанининг ривожланишига самарали ҳисса қўшишмоқда.

Профессорлар П.С.Собиров 1992 йилдан, Д.Холмирзаев 2003 йилдан, А.К.Кахаров 2009 йилдан Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Д.020.33.01. – докторлик ва номзодлик илмий даражасини бериш бўйича ихтисослашган илмий кенгашининг аъзосидирлар.

ПУШКАРЕВ ПЕТР МИХАЙЛОВИЧ



Профессор Пушкарев Петр Михайлович 1886 йилда Россияда таваллуд топган. П.М. Пушкарев ҳам 1935-1938 йилларда бир қанча олимлар қаторида Россиядан Ўзбекистонга ишга юборилган. П.М. Пушкарев Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) қишлоқ хўжалик институтига ишга юборилади ва «Хусусий зоотехния» кафедрасида доцент вазифасида ишлайди. 1938 йилда ушбу кафедрага мудир бўлиб сайланади ва шу лавозимда 1953 йилгача ишлайди, шу билан бир қаторда 1942-1953 йиллар давомида зоотехния факультетида деканлик қилади. У киши 1940 йилда докторлик диссертациясини ёқлайди ва профессор унвонига эга бўлади. П.М.

Пушкарёвга 1950 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилади. П.М.Пушкарёвнинг ташаббуси билан факультетда аспирантура очилган ва унда бир қанча иқтидорли ёш маҳаллий кадрлар таълим олиб, фан номзодлари даражасига эришадилар. П.М. Пушкарёв 16 дан ортиқ маҳаллий кадрларга илмий раҳбарлик қилиб, уларни фан номзодлари даражасига кўтаради ва ўзининг илмий мактабини яратади. Бу илмий мактабнинг давомчилари профессор Н.О.Мавлонов, доцентлар А.З.Мухторов, Кулангиев, А.Абдураззоқов, К.В.Горишкова ва бошқалар ҳисобланади. У киши ўқув, таълим ва тарбиявий ишлар билан бир қаторда катта ҳажмда илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб борди. Жумладан, «Маҳаллий зебусимон қорамолларни режали маданий зотлар билан чатиштириши натижасида, уларнинг зотдорлиги ва маҳсулдорлигини ошириши» мавзусида илмий изланишлар олиб борди ва бу ишларнинг натижалари асосида кўплаб илмий мақолалар ва тавсияномалар чоп этади.

МАВЛОНОВ НАБИ ОРИФХОНОВИЧ



Профессор Мавлонов Наби Орифхонович 1916 йилда таваллуд топган. 1940 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатган ва кейинчалик, бир неча йиллар Монголия мамлакатида чорвачилик бўйича ҳукумат маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. Урушдан кейин институтнинг хусусий зоотехния кафедрасига ишга келган ва кейинчалик, аспирантурага кириб 1955 йилда профессор П.М.Пушкарёв раҳбарлигида диссертация ёқлаб, фан номзоди деган илмий даражага эга бўлган. 1957 йилдан 1978 йилгача «Хусусий зоотехния» кафедрасига мудирлик қилган, шу билан бир қаторда 1957 йилдан 1969 йилгача зоотехния факультетининг декани вазифасида ҳам ишлаган. Ўқув ва тарбиявий ишлар билан бир қаторда ёш кадрларга илмий раҳбарлик қилиб 16 та фан номзодини тайёрлаган. Н.О.Мавлонов бир нечта дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг

ҳамда 10 лаб илмий тавсияномалар ва 150 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

Профессор Н.О.Мовлонов яратган илмий мактабнинг давомчилари профессорлар З.Т.Турақулов, Б. Абдалниязов, И. Мақсудов ва бошқалардир.



ЖАЛИЛОВ СОДИҚ ЗАКИРОВИЧ

Профессор Жалилов Содиқ Закирович 1911 йилда таваллуд топган. У киши урушдан қайтиб келгандан кейин дастлаб Самарқанд (аввалги Ўзбекистон давлат) университети зоология кафедрасида доцент вазифасида ишлаган, шу билан бирга у Самарқанд (илгариги Ўзбекистон давлат) қишлоқ хўжалик институтида ҳам уриндошлик вазифасида зоология кафедрасида доцент бўлиб ишлаган. Кейинчалик 1954 йилдан то 1980 йилгача у киши «Чорва молларини урчитиши ва генетика» кафедрасига мудирлик қилган. Шу билан бир қаторда 1953-1957 йилларда С.З. Жалилов ўқув ишлари бўйича директор уринбосари вазифасида ҳам ишлаб келган. У Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида маҳаллий зебусимон қорамолларини режалли зотлар билан чатиштириши натижасида улардан олинган авлодларининг хўжаликга фойдали белгиларини ва биологик хусусиятларини яхшилаш мавзусида катта ҳажмдаги илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва бунинг натижасида у киши 1969 йилда докторлик диссертациясини ёқлади. Кейинчалик у бир қанча ёш олимларларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиб фан номзодларини тайёрлади ва ўзининг илмий

мактабини яратди. Булар Х.Хамиджанов, А.Рахимов, А.Зугуров, А.К.Кахоров, Ф.Исроиловлар. Унинг шогирди профессор А.К.Кахоров у киши яратган илмий мактабнинг давомчисидир.

С.З.Жалилов олиб борган илмий тадқиқот ишларининг натижасига асосланиб бир қанча илмий тавсияномалар 100 яқин илмий мақолалар чоп этдирганлар. Республикада чорвачилик фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган.

ТУРАҚУЛОВ ЗУБАЙДУЛЛО ТУРАҚУЛОВИЧ



Профессор Турақулов Зубайдулло Турақулович

1938 йилда таваллуд топган. 1961 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатган, кейинчалик, шу институтда аспирантурада ўқиб профессор Н.О.Мавлонов раҳбарлигида фан номзодлиги диссертациясини ёқлаган. Сўнгра институтда ассистент, доцент ва кафедра мудири, ҳамда зотехния факультети декани лавозимида фаолият кўрсатган. У профессор Н.О.Мавлонов томонидан асос солинган илмий мактабнинг давомчисидир. Унинг раҳбарлигида А.Абдурасулов, О.М.Маматқулов ва Р.А.Валиевлар номзодлик диссертацияларини ёқлаганлар. Бундан ташқари у киши профессорлар И.М.Мақсудов ва А.К.Кахоровларнинг докторлик диссертацияларига илмий маслаҳатчи бўлган. Унинг илмий мактабининг давомчиси И.М.Мақсудов ҳисобланади.

З.Т.Турақулов томонидан ҳаммуалифликда йилқичилик бўйича 2 та уқув қўлланмаси ёзилган ва бир қанча тавсияномалар ҳамда илмий мақолалар чоп этилган. У киши Республикада чорвачиликни ривожлантиришда маълум даражада ўз хиссасини қўшган.



**Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва
урчитиш кафедраси мудири,
қ.х.ф.доктори профессор
Холмирзаев Дўстмуҳаммад.**

1973 йилда имтиёзли диплом билан зоотехния факултетини тугатган. 1981 йилда номзодлик ва 1996 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1980 йилда хусусий зоотехния кафедрасини ассистенти, доценти, факултет илмий ишлар бўйича декан муовини, 1998-2004 йилларда қорамолчилик ва йилқичилик, 2007-2008 йилларда зоотехния кафедрасини мудири бўлиб ишлаган.

Бир нафар фан номзоди таёрлаган. Д.Холмирзаев 1 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма ва бир неча мақола автори.

Профессор Д.Холмирзаев 2003 йилдан буён Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти қошидаги Д.02.33.01 рақамли ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси



Профессор П.С.Собиров Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини Зоотехния факултетини 1956 йили тамомлаган. У киши Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Генетика ва чорва молларини урчитиш кафедрасида ассистент, доцент, профессор, кафедра мудири лавозимларида ишлаган. 1970-1975 йилларда Зоотехния факултетини декани, 1975-1980 йилларда институтни ўқув ишлари бўйича проректори вазифасида ишлаган. Ҳозирда кафедра профессори лавозимида ишлаб

келмоқда. 1965 йилда номзодлик, 1990 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган. Илмий ишлари 158 та, шу жумладан 3 та дарслик 2 та ўқув қўлланмаси, 10 та тавсиянома ва 9 та услубий қўлланма чоп эттирган. У киши иттифоқ олий мактаб аълочиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси фахрий унвонлари билан ва орден медаллар билан мукофотланган. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Д.020.33.01-рақамли ихтисослашган кенгашнинг аъзоси сифатида меҳнат қилиб келмоқда.



Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва

урчитиш кафедраси профессори,

қ.х.ф.доктори Қахаров Абдусаттор Қахарович

Профессор Қахаров Абдусаттор Қахарович

1971 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти зоотехния факултетини тугатгандан кейин, институт комсомол комитетининг биринчи котиби (1971-1977 йй), институт тайёрлов бўлимининг бошлиғи (1976-1978 йй), генетика ва чорва молларини урчитиш кафедраси асистенти, доценти, профессори (1973-2007йй), факултет партия ташкилотининг котиби, услубий кенгаш раиси ва декан муовини (1981-1991 йй), кафедра мудири (1996-1998 йй), зоотехния факултети декани (1996-2004 йй) лавозимларида фаолият кўрсатиб, талаба ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш ва чорвачилик сирларини ўргатиш борасида самарали меҳнат қилмоқда. Москвада 1981 йилда номзодлик ва 1994 йилда Тошкентда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. 150 дан ортиқ илмий –услубий ишлар чоп қилдирган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 2 нафар аспирант фан номзодлиги диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, 1 нафар докторант, 4 нафар аспирант ва аспирант тадқиқотчилар самарали равишда илмий-тадқиқот ишларини бажаришмоқда. У 2 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма ва 4 та услубий қўлланма ҳаммуаллифидир. У 2009 йилда КХА-10-080 илмий лойиҳанинг ғолиби ва илмий раҳбари ҳисобланади.

А.Қахаров бугунги кунда Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш кафедрасининг профессори, зоотехния йўналиши бўйича услубий кенгаш раиси, Республика Олий Аттестация комиссияси (ОАК) томонидан тузилган илмий семинар ҳамда Ўзбекистон чорвачилик илмий -адиқот институти ҳузуридаги Д.020.33.01-рақамли ихтисослашган кенгашнинг аъзоси сифатида меҳнат қилиб келмоқда.



Мақсудов Илхом Мақсудович-

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

1965 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти зоотехния факултетини тугатиб, 11 йил давомида Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Намуна” жамоа хўжалигига бош зоотехник ва хўжалик раҳбарлиги муовини сифатида фаолият кўрсатган.

1977 йилдан хусусий зоотехния кафедрасида дастлаб ассистент, доцент, кафедра мудири, декан бўлиб ишлаган. Ҳозир Тошкент Давлат Аграр Университетини “Зоотехния” кафедрасининг профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

У 1974 йилда номзодлик ва 1994 йилда докторлик диссертацияларини химоя қилган. Бир қатор тавсияномалар, қўлланма, илмий мақолалар, 4 та монография, 10 услубий қўлланмалар чоп этилган.

“Ҳурмат Белгиси” ордени, ва “Шавкатли меҳнати учун ,” “Мустақиллик” медаллар,, ва бир нечта нишон ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

9.2. ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ ВА ҲАЙВОНЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

Кафедра қишлоқ хўжалик ҳайвонларни озиқлантириш кафедраси номи билан аталиб биринчи марта 1929 йилда ЎзДЗВИ таркибида ташкил топган. Кафедра ташкилотчиси профессор С.А.Груздев бўлган.

1929-1934 йилгача кафедра мудирлиги лавозимида профессор Ф.Ф.Епачинцев, 1936-1942 йилларда доцент Г.И.Балабан, 1942-1949

йилларда П.С.Кочетков, 1950-1960 йилларда доцент В.Д.Соколов, 1960-1965 йилларда катта ўқитувчи Д.Г.Воскобоев, 1965-1977 йилларда профессор С.И.Кедрова, 1978-1988 йилларда доцент И.Р.Расулов, 1989-1991 йилларда доцент М.Р.Рашидов, 1991-2001 йилларда доцент Қ.Ҳ.Ҳайдаров, 2001-2005 йилгача доцент А.Нахалбоев ва 2005-2006 йилларда кафедрани доцент Я.Х.Мусинов бошқардилар. 2006 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача кафедрани Қ.Ҳ.Ҳайдаров бошқармокда.

2004 йилда кафедрага «Зоогигиена» кафедраси қўшилиб "Чорва озукаси ва ҳайвонларни озиклантириш технологияси" кафедраси деб, 2008 йилда эса кафедрага қоракўлчилик кафедраси ҳам қўшилиб «Яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни озиклантириш технологияси» кафедраси деб номланди.

Кафедрада кўпгина тажрибали ўқитувчилар, жумладан: катта ўқитувчи М.А.Колядина 1945-1954 йй, ассистентлар Ю.Р.Қурбонов 1953-1955 йй, А.К.Амиров 1955-1956 йй, К.К.Карибаев 1956-1959 йй, Х.З.Зоҳидов 1959-1964 йй, Д.Г.Расулова 1961-1965 йй, Н.Ж.Сафаров 1966-1994 йй, А.А.Раҳимбердиев 1960-1995 йй, И.Ш.Ризаев 1972-1994 йй, С.Ш.Юнусов 1961-1971 йй, З.Н.Мавлянов 1971-1973 йилларда дарс берганлар.

Кафедрада ишлаган кўпгина ўқитувчилар ўзларининг илмий салоҳияти ва ташкилотчилик қобилияти билан чет мамлакатларга ҳам танилдилар. Жумладан, ЎзҚХ фанлари академиясининг муҳбир аъзоси, профессор К.К.Карибаев қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиклантириш соҳасида танилган олим, доцентлар Ю.Р.Қурбонов, А.К.Амиров ва Ш.А.Абдуваитовлар кўп йиллар мобайнида раҳбар лавозимларида ишлаганлар.

Зоогигиена кафедраси 1933 йил доцент А.С.Наиденов раҳбарлигида ташкил қилинган. Бу кафедрага узоқ йиллар мобайнида профессор У.Қ.Избосаров, доцентлар И.М.Мамажанов, Ю.А.Сувонкуловлар мудирлик қилганлар. Зоогигиена ва ветеринария асослари фанларидан талабаларга билим беришда доцентлар Н.Г.Бочкарев, Г.А.Данилин, Н.А.Авазов,

И.П.Пушкарёв, С.А.Кубаева, профессор Ж.Ш.Шопалатов, катта ўқитувчи Э.П.Брагиналар ҳам муносиб ҳисса қўшганлар.

Қорақўлчилик кафедрасида ҳам чорвачиликнинг жумладан, қорақўлчиликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган олимлар фаолият кўрсатганлар. Жумладан: профессорлар А.А.Раҳимов, С.Ю.Юсупов, доцентлар Ш.М.Ризаев, А.К.Лебедев, У.Б.Облақулов, В.Х.Солиев, С.М.Маматов, А.И.Исмоилов, А.А.Раҳимовлар кўплаб малакали шогирдлар тайёрладилар. Улар кўп йиллар мобайнида кафедрага раҳбарлик қилдилар. Кейинги йилларда кафедрани доцент А.И.Иноятов бошкарди. Кадрлар тайёрлашда доцентлар Х.З.Зоҳидов, С.Э.Шаптаков, С.Р.Бозоров, С.Б.Сатторов, катта ўқитувчилар Н.Ф.Белоброва, И.Қ.Ҳошимов ва Р.Ҳ.Рўзимуродовларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Профессор С.Ю.Юсупов, доцентлар С.Р.Бозоров, А.И.Исмоилов ва катта ўқитувчи Р.Ҳ.Рўзимуродовлар ҳамкорликда қорақўлчилик соҳасига оид 4 та дарслик ва ўқув қўлланма яратдилар.

Кафедра профессори С.Ю.Юсупов раҳбарлигида Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти ходимлари билан ҳамкорликда қорақўл қўйлариининг 3 та завод типлари яратилди. Ўнлаб ишлаб чиқаришга тавсиялар ёзилди.

Бугунги кунда кафедрада мудир доцент Қ.Ҳайдаров, профессорлар У.К.Избосаров, С.Ю.Юсупов, М.М.Махмудов, доцентлар, Я.Мусинов, А.Н.Нахалбоев, Й.А.Сувонқулов, А.И.Иноятов, С.Б.Сатторов, катта ўқитувчилар А.Ж.Чалабаев, И.К.Қўзиевлар, ассистент Б.Я.Нуриддинов фаолият кўрсатмоқда. Кафедрада ўқув жараёнини ташкил этишда катта лаборантлар Т.А.Краснополинка, Е.Н.Назарова, М.Ф.Сидировалар, ҳозирги кунда эса З.Б.Холиқова, Д.Т.Ризаева, қорақўлчилик музейи мудираси З.Ҳ.Сафарова, лаборант Г.И.Ибрагимоваларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Кафедрада бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ходимлар 700 дан зиёд илмий мақолалар, 4 та монография, 6 та дарслик ва ўқув қўлланма, 22 та услубий кўрсатма ёздилар, 4 та патентлик гувоҳномаси олдилар.

«Яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни озиклантириш технологияси» кафедрасида 5620600 – Зоотехния (тармоқлар бўйича), 5640100 – ветеринария, 5140900 – касб таълими (ветеринария, зоотехния) 5621200 – қорақўлчилик йўналишларига ва 8 та мутахассислик бўйича магистратура мутахассисларига дарслар ўтилади.

Ўтиладиган фанларни дарслик, ўқув қўлланмалар ва маъруза курслари билан таъминланиши талаб даражасида бўлиб, маъруза, амалий ва лаборатория дарсларида кўргазмали қуроллар ва замонавий техник воситалардан самарали фойдаланилади. Лаборатория дарслари учун барча талабаларга етарли даражада услубий кўрсатма ёзилган. 150 дан зиёд жадвал ва плакатлар, 40 га яқин турли хилдаги озуқа намуналари, 200 дан зиёд роққлар ва 6 та кинофильм, 2800 дан ортиқ турли рангдаги ва ранг-барангликдаги қорақўл терилар, жун намуналари, қўй терилари, қорақўл териларидан тайёрланган тайёр кийимлар мавжуд.

Барча фанлар бўйича талабалар билимини баҳолашда тест-рейтинг тизими жорий этилган.

Кафедрада турли хил экологик шароитда урчитираётган қорамоллар ва қўйлар маҳсулдорлигини оширишда самарали озиклантириш технологиясини ташкил этиш ва зоогигиеник меъёрларни ишлаб чиқиш мавзуси бўйича илмий ишлар олиб борилаётган.

Кафедра ходимлари томонидан қорақўл қўйларининг мавжуд завод типларини янада такомиллаштириш ва янги завод типларини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилаётган.



АБДУЛЛО АХМЕДОВИЧ РАХИМОВ

Профессор А.А.Рахимов 1937 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг зоотехния факультетини тугатган.

Чорвачиликни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари учун 1955 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган зоотехник» унвонини олган. 1957 йилда Ўзбекистон қишлоқ

хўжалик фанлар академияси фахрий аъзоси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлар академияси президиуми аъзоси этиб сайланган.

1949 йилда номзодлик диссертациясини, 1968 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган. Ўзбек тилидаги «Қорақўлчилик» дарслиги, 185 та илмий мақолалар муаллифи, 7 нафар фан номзодларининг илмий раҳбари ҳисобланади.

Факультетнинг **қорақўлчилик** бўлими факультет сифатида 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, қорақўлчилик бўйича дунёда ягона факультет ҳисобланган. Факультетга А.А.Рахимов, У.Я.Узоқов, С.Ю.Юсупов, Ш.М.Ризаев, И.Р.Расулов, М.Р.Рашидов, В.Х.Салиев, Ш.А.Абдуваитов, Қ.Х.Хайдаровлар раҳбарлик қилишиб, қорақўлчилик фани ва соҳасини ривожлантириш ва Ўзбекистон қорақўлининг доврўғини оламга танитишда ўзларининг ҳиссаларини қўшишган. Соҳа олимлари бугунги кунда ҳам қорақўлчиликни ривожланишида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Факультет ҳамдўстлик давлатларидан Озарбойжон, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, бундан ташқари Эрон, Монголия ва Афғонистон мамлакатларига кўплаб мутахассислар етказиб берди.

Ана шундай катта тарих ва илмий – малакавий салоҳиятга эга бўлган «Ветеринария, зоотехния ва қорақўлчилик факультети» нинг бугунига назар ташлайдиган бўлсак, факультет жамоаси доцент Н.О.Фармонов раҳбарлигида 6 та кафедра таркибида фаолият кўрсатмоқда.



Юсупов Суръатбек Юнусович

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини 1968 йилда тугатган. 1972 йилда номзодлик, 1991 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлаган.

Меҳнат фаолиятини (1971) мазкур институтнинг қорақўлчилик кафедрасида ассистентликдан бошлаган, катта ўқитувчи, қорақўлчилик факултети декани муовини, декани, илмий ишлар бўйича ректор муовини, қорақўлчилик кафедраси мудир лавозимларида ишлаган. У 2000 йилдан “Экология ва ҳаёт хавфсизлиги” академиясининг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади. С.Ю.Юсупов 1999 йилдан Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти директори лавозимида ишлаш билан бир қаторда ўриндошлик сифатида СамҚХИ институтининг аввал қорақўлчилик, кейинчалик яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни озиклантириш технологияси кафедраси профессори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

С.Ю.Юсупов “Қорақўлчилик бўйича амалий машғулотлар”, “Қорақўлчилик”, “Қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси”, “Жунга қайта ишлов бериш технологияси”, “Чорвачилик терминларининг русча-ўзбекча луғати” дарслик ва ўқув қўлланмалари, “Қорақўлчилик қўйлари биологияси”, “Ўзбекистон насли чўл-ййлов чорвачилиги”, “Ўзбекистон қўй ва эчкилари”, “Қорақўл қўйлари конституционал дифференциялаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш” монографиялари, 9 ихтиро ва патентлар, 15 дан ортиқ амалиётда жорий

этилатган тавсияномалар, 200 дан ортиқ илмий ва илмий услубий мақолалар, “Қўзиларнинг конституцияларини олдиндан аниқлаш усули”, “Қўк рангли қоракўл қўйларининг “Томди”, сўр рангли қоракўл қўйларининг “Ўзбекистон” “Сарибел”, Бухорои шариф”, қора рангли қўйларнинг “Авазчўл” завод типлари муаллифи ҳисобланади.

С.Ю.Юсупов раҳбарлигида 2 фан докторлари ва 8 фан номзодлари тайёрланган. У Исроил, Иордания, Туркия, Тунис, АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Таиланд ва бошқа давлатларда ташкил этилган конференциялар ва семинарларда иштирок этган. 2 та халқаро илмий лойиҳалари ижроچиси ва раҳбари.



Профессор **Унгар Кахарович Избасаров** родился 17 июня 1936 года в селе Актепе Фаришского района Самаркандской области, В 1959 – 1964 годы студент ветеринарного факультета Самаркандского сельскохозяйственного института. С 1964 по 1966 год стажер – исследователь лаборатории эндокринологии Всесоюзного научно-исследовательского института каракулеводства (ВНИИК). С 1966 по 1968 год аспирант Львовского зооветеринарного института. В 1968 году защитил кандидатскую диссертацию на получения степени кандидата биологических наук. С 1972 по 1988 годы заведующий кафедры зоогигиены Самаркандского сельскохозяйственного института. В 1988 году защитил докторскую диссертацию в Московском научно-исследовательском институте санитарии и гигиены (ВНИИВС). С 1989 года профессор Самаркандского сельскохозяйственного института.

Профессор Избасаров У.К. более сорока лет разрабатывает новые фитопрепараты для лечения дермато-венерологических заболеваний человека и животных. Особо следует отметить, что У.К.Избасаров всю свою сознательную жизнь занимается проблемами восточной медицины.

Под его руководством успешно защищены две кандидатские и две докторские диссертации. Он является автором двух учебников, более 20 учебно-методических пособий, 2 брошюр, 4 монографий по дерматологии, 14 рекомендаций, более 150 научных статей в отечественной и зарубежной печати, из них 70 посвященных дерматовенерологии. Он также является автором 8 патентов по лекарственным фитопрепаратам, полученных в патентных ведомствах Российской Федерации и Республики Узбекистан.

По итогам создания новых высокоэффективных фитопрепаратов для лечения дерматозов сложной этиологии (псориаз, экзема, трихофития, нейродермит, витилиго и другие) соответствующими компетентными органами его кандидатура выдвинута на присуждение ему Международной медицинской премии имени Д. Рокфеллера.

Ҳозирги кунда «Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультети»нинг Ветеринария бўлимида ветеринария фанининг замон талаблари даражасида ривожланиши, Республикамиз учун юқори малакали фан арбоблари ва мутахассисларини тайёрлашда фидокорона меҳнат қилаётган ветеринария соҳаси фидоийларидан вет. фанлари доктори, профессорлар Р.Ҳ.Ҳайтов, М.П.Парманов, Ш.И.Ибрагимов, Б.С.Салимов, Т.Б.Боймуродов, Ҳ.С.Салимов, А.О.Орипов, Ф.И.Ибодуллаев, М.А.Аминжонов, Қ.Н.Норбоев, Н.Ш.Давлатовлар, доцентлар М.Х.Алламурадов, М.Б.Сафаров, Д.Э.Эшимов, Н.Ш.Шодиев, Х.К.Бозоров, С.М.Муродов. Б.Б.Бакировларнинг ва у кишилар шогирдларининг ветеринария фани ривожига қўшаётган ҳиссалари таҳсинга лойиқдир.

Факультетнинг зоотехния бўлими олимларидан профессорлар П.С.Собиров, И.М.Мақсудов, Д.Х.Холмирзаев, У.К.Избосаров, А.Қ.Қаҳҳоров, доцент С.Д.Дўстқулов, Қ.Ҳ.Ҳайдаров ва бошқалар Республикамиз чорвачилиги ва зоотехния фанининг ривожига катта ҳиссаларини қўшаётган олимлар ва мутахассисларни тайёрлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Факультет профессор -ўқитувчилари томонидан «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни ўқув жараёнига татбиқ

этишда катта ишлар амалга оширилмоқда. Барча фанлар бўйича талабалар билимини баҳолашда тест-рейтинг тизими жорий этилган бўлиб, ўзининг самарасини бермоқда. Факультет талабалари орасидан Президент степендиатлари, Беруний стипендияси совриндорлари ва бошқа танловлар ғолибларининг етишиб чиққанлиги бунинг яққол исботидир.

Факультетда ўқув, ўқув услубий, илмий тадқиқот ва маънавий – маърифий ишлар, Давлат ветеринария соҳаси, чорвачилик, қоракўлчилик ва шунингдек, фермер хўжаликлари, хусусий хўжаликлар учун юқори малакали мутахассисларни, зооветеринария фани ривожига катта ҳиссаларини қўшаётган илмий ходимларни етказиб бериш ишлари замон талаблари даражасида олиб борилмоқда.

9.3. ҲАЙВОНЛАР АНАТОМИЯСИ, ФИЗИОЛОГИЯСИ, ЖАРРОҲЛИК ВА ФАРМОКОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

«Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокология» кафедраси 2004 йилда «Ҳайвонлар анатомияси», «Физиология ва патофизиология» «Гистология ва патанатомия», «Хирургия ва фармокология» кафедралари негизида ташкил этилган.

«Ҳайвонлар анатомияси» кафедраси 1930 йилда ташкил этилган бўлиб, унга дастлаб доцентлар А.С.Найденов ва А.А.Алеутский, сўнгра (1931–1959 йилларда) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор П.П. Виноградов раҳбарлик қилган ва Ўзбекистонда ягона ветеринария анатомлари мактабини яратган.

Профессор П.П.Виноградовнинг шогирдларидан профессорлар А.К.Сагитов, Д.Х.Нарзиев, Ш.И. Ибрагимов, Ф.Х. Мажидов, Ҳ.Қ.Рустамов, доцентлар В.А. Поляков, З.И.Дерябина, Л.И. Каргаполова, Н.А.Владимирова ва бошқалар анатомия фанининг ривожланишига ўлкан ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади.

1959–1988 йилларда «Ҳайвонлар анатомияси» кафедрасига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, профессор Д.Х.Нарзиев раҳбарлик қилиб, морфолог – анатомлар мактабини яратди.

Профессор Д.Х.Нарзиевнинг раҳбарлигида Р.Р.Рўзметов, Б.Жайнаров, М.Х.Аллумуродов, И.Фозилов, Р.М.Тоштемиров, Ш.Х.Ўриновлар ва бошқалар номзотлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. Кафедра мустақил равишда 1989 йилгача фаолият кўрсатди.

«Гистология ва патанатомия» кафедраси (1989 йилгача алоҳида кафедра сифатида фаолият кўрсатган) асосчилари профессор Г.М.Семёнов ва унинг шогирди Д.А.Алимовлардир.

Ўтган даврда кафедрага профессорлар Б.В.Авербург, Э.Х.Рахматулин, доцент Т.К.Горевалар раҳбарлик қилганлар. Профессор А.А.Черногоров, М.В.Нехотяев, доцентлар Д.А.Товмасян, Ф.И.Дейного, Э.Ф.Абсалямов, П.З.Решитовлар патологик анатомия фанидан таълим берганлар.

1965–1994 йиллар давомида ушбу кафедрага профессор Ш.И.Ибрагимов раҳбарлик қилиб, у кишининг шогирдлари Н.Ш.Шодиев, Ш.Темиров, Ф.И.Дейного, Г.Ф.Мажидова, Ж.М.Турсагатов, Н.Б.Дилмуродов ва бошқалар фаннинг ривожига катта ҳисса қўшган. 1989 йилдан 2004 йилгача Ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патанатомия кафедраси бирлашиб «Анатомия, гистология ва патанатомия» кафедраси номи билан фаолият кўрсатди. Бу даврда кафедрани профессори Ш.И.Ибрагимов, доцент Н.Ш.Шодиев бошқарган, 1999 йилдан доцент М.Х.Алламуродов бошқариб келмоқда.

«Физиология ва патофизиология» кафедраси 1929 йилда ташкил топган бўлиб, биринчи кафедра мудири В.В.Попов (1924 - 1939) ҳисобланади, кейинчалик, доцент В.В.Волков (1936 - 1953), Н.М.Климов (1941 - 1946), доцент А.И.Ярмошкевич (1953 - 1961) раҳбарлик қилишган. Кафедрада турли йилларда патофизиология курсидан Х.Р.Фарходи (1929 - 1930), М.Х.Нехотяев (1930 - 1936), Н.Д.Худойбердиев (1953 - 1954) маъруза ўқиганлар.

1961 - 1992 йиллар давомида кафедра мудири ловозимида профессор Р.Ҳ.Ҳайтов ишлаб, кафедрани жиҳозлаш, ўқув – тарбиявий ва илмий текшириш ишларини турли соҳалар бўйича юқори чўққиларга олиб чиқишда катта ташаббускорлик кўрсатган. Кафедра салоҳиятини ошириш, кафедрани юқори малакали педагог - ўқитувчилар билан таминлаш, шунингдек, аспирантура орқали ёш кадрларни ўстиришда жонбозлик қилди. Кафедрада физиология ва патофизиология фанларини дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ишларини амалга оширди ва бу ишларда ҳозирда ҳам жонбозлик қилмоқда. Кафедра ходимлари томонидан 10 дарслик, 20 дан ортиқ ўқув – методик қўлланмалар чоп этилди. Р.Ҳ.Ҳайтов раҳбарлигида физиолог ва патофизиологлар мактаби яратилиб, унда 10 дан ортиқ фан докторлари 40 дан ортиқ фан номзодлари тайёрланди. Кафедрани 1993–1994 йилларда ветеринария фанлар доктори А.Д.Душанов, сўнгра Т.Д.Джураев (1994-1995), З.Т.Ражамуродов (1955-2000), доцент Д.Э.Эшимовлар (2000–2005) бошқардилар.

Физиология ва патофизиология кафедрасида турли даврларда доцентлар Л.К.Гарумянц, А.С.Лебедев, Ҳ.Б.Ҳайдаров, Н.Г.Бочкарев, Ф.Р.Холмухаммедов, Н.Н.Исамов, Ф.И.Ибадуллаев, В.А.Палиев, З.О.Болквадзе, А.Г.Корнет, М.А.Абдуллаев, В.С.Касаткин, Т.Х.Джурабеков, Б.Т.Тўхтаев, Н.М.Нурмухаммедов, А.А.Аббаров, П.Б.Бобоевлар фаолият кўрсатишиб, фаннинг ривожига катта ҳисса қўшишганлар.

Ушбу кафедранинг илмий – тадқиқот, ўқув услубий салоҳияти профессор Р.Ҳ.Ҳайтовнинг ҳаёти, илмий – педагогик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у киши яратган физиолог-патофизиологлар мактаби намоёндалари фанининг ривожига катта ҳисса қўшганлар ва бугунги кунда ҳам илмий тадқиқот, ўқув – тарбиявий ишларда жонбозлик кўрсатишмоқда.

«Хирургия ва Фармокология» кафедраси 1933–1942 йиллар давомида профессор П.П.Тимофеев раҳбарлик қилган ва шогирдлари Ф.Н.Ахматов, С.Н.Воҳидовлар билан биргаликда фаолият кўрсатган.

Улуғ Ватан уруши йилларида ветеринария полковниги, Давлат мукофоти лаурияти М.Б.Оливков ва у кишининг шогирдлари А.П.Баданина, Я.К.Горумянцлар, профессор И.И.Снегирев, доцент А.К.Малюковлар ҳам фаолият кўрсатишган. 1946 йилда хирургия кафедраси алоҳида кафедралар: «Оператив хирургия» ва «Топографик анатомия» кафедраларига ажратилган. Оператив хирургия кафедраси 1955 йилгача алоҳида кафедра сифатида сақланиб, шу вақт ичида кафедрада ассистент Н.А.Владимирова, В.А.Поляков, умумий хирургия кафедрасида доцент А.К.Малюков, В.А.Поляков ва О.А.Бердниклар фаолият кўрсатган.

1956 йилдан иккала кафедра қайтадан бирлашиб, «Умумий, хусусий ва оператив хирургия» кафедраси таркиб топди. Кафедрани 1975 йилгача профессор С.А.Воҳидов бошқарди. Кафедрада доцентлардан А.К.Малюков, Х.К.Рустамов, О.А.Бердник, В.А.Поляков, Н.А.Владимировалар фаолият юритдилар.

1975–1988 йилларда, доцент В.А.Поляков, 1988–1998 йилларда профессор Н.Ш.Давлатов 2000–2004 йилларда доцент Б.Д.Нарзиевлар кафедра мудирлиги сифатида фаолият кўрсатди.

Бугунги кунда «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармокология»си кафедраси жамоаси, доцент М.Х.Алламуродов раҳбарлигида бакалаврлар, магистрлар ва аспирантларни тайёрлашда фундаментал фанлар ҳисобланган, «Ҳайвонлар анатомияси», «Ҳайвонлар физиологияси, патологик физиологияси», иммунология, «Гистология ва эмбриология», «Патологик анатомия, гавда ёриш ва суд ветеринария экспертизаси», «Оператив, умумий ва хусусий хирургия, ортопедия», «Фармокология ва токсикология» фанларидан замонавий андозаларга мос равишда, янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда маъруза, амалий ва лаборатория дарсларини олиб боришмоқда.

Кафедрада талабаларнинг фанлар бўйича билимларни ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, анатомия музейи, илмий лаборатория машғулоти учун жиҳозланган хоналар, операция ва гавда

ёриш хоналари, барча турдаги қишлоқ хўжалик ва лаборатория ҳайвонлари, асбоб ускуналар, кампютерлар, слайдлар, кадоскоп каби информацион технология воситалари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, услубий кўрсатма ва кўргазмалар билан етарлича таъминланган.

Кафедрада 3 нафар ветеринария фанлари доктори, профессорлар, 17 нафар фан номзоди, доцентлар, катта ўқитувчилар ва ёрдамчи ходимлар фаолият кўрсатмоқда.

Кафедрада илмий тадқиқот ишлари профессорлар Р.Ҳ.Ҳайитов, Ш.И.Ибрагимов, Н.Ш.Давлатовларнинг раҳбарлигида олиб борилиб, илмий ишлар қишлоқ хўжалик ҳайвонлари морфологияси, физиологияси, юқумсиз касалликларини даволаш ва олдини олиш чора тadbирларини ишлаб чиқишга бағишланган.

ВИНОГРАДОВ ПАВЕЛ ПЕТРОВИЧ



Ветеринария фанлари доктори, профессор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Профессор П.П. Виноградов 1930-1959 йилларда Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат Зооветеринария институти қишлоқ хўжалик ҳайвонлари нормал анатомияси кафедрасининг мудири, 1934-1938 йилларда ветеринария факультетини декани

лавозимларида фаолият кўрсатган.

Профессор П.П.Виноградов қоракўл қўйлари, ўзбек эчкиси ва бир туёқли ҳайвонлар анатомияси каби соҳаларда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борган.

Профессор П.П. Виноградов маҳаллий миллат вакилларида матахассис кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратиб, кўплаб шогирдлар тайёрлади, улардан фан номзодлари ва докторлари етишиб чиқди: Д.Х.Нарзиев, Ш.И.Ибрагимов, Ф.Х.Мажидов, А.К.Сагитов, Х.К.Рустамов, Г.Турсунов, А.Авдеев, Л.И.Каргапалова, В.А.Поляков, Н.А.Владимирова ва бошқалар.

ВОХИДОВ САЛИМ НОСИРОВИЧ



С.Н.Вохидов 1912 йилда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1931 йилда ўрта мактабни тугаллаб, Ўзбекистон Давлат қишлоқ хўжалигининг ветеринария факультетига ўқишга кирган. 1936 йил Москва зооветеринария институти умумий, хусусий хирургия кафедрасига аспирантурага кириб, 1939 йил тугатган. 1946-48 йилларда Ўзбекистон Давлат қишлоқ хўжалиги институти оператив хирургия кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган, 1948-1949 йилларда эса Москва Ветеринария Академиясида бир йиллик аспирантурада таҳсил олиб «Фитонцитларнинг жароҳатлар битишига таъсири» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Кейинчалик, кафедрада доцент ва кафедра мудури лавозимида ишлаган.

Фан соҳасида олиб борган самарали илмий тадқиқотларининг натижасига кўра, 100 га яқин илмий мақолалар, 1 та монография, қўлланмалар ва рисоалар чоп этган. 1952-61 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига раҳбарлик қилган.

1960-70 йилларда «Актиномикоз касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, тарқалиши, диагностикаси ва даволаш» мавзусида илмий тадқиқотлар олиб бориб, 1973 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва ветеринария фанлари доктори илмий даражасини олган.

С.Н.Вохидовнинг фан ва жамият олдидagi шарафли меҳнатлари ҳукумат томонидан юксак баҳоланиб, «Меҳнат ветерани», «Олий таълим аълочиси» нишонлари ва кўплаб фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган.

ҲАИТОВ РЎЗИ ҲАИТОВИЧ



Рўзи Ҳаитович Ҳаитов 1944-1949 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик институтининг «Ветеринария» факультетини аъло баҳоларга ботириб, 1949 йилдан «Нормал ва патологик физиология» кафедрасида ассистент, 1950-1953 йилларда ассистентлик билан бир вақтда аспирантурада ўқиб, 1954 йил «Самарқанд вилоят қорақўл қўйларнинг аноптоцефалитоз касаллигининг эпизоотологияси» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1969 йил «Биологик препаратларни паратифоз иммунитетига таъсири» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 6 та дарслик, 2 та брошюра, 1 та очерк, 20 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар, 10 дан ортиқ тавсияномалар, 400 дан ортиқ илмий мақолалар тайёрлаб, чоп этган. Р.Ҳ.Ҳаитов 40 дан ортиқ фан докторлари ва номзодларини тайёрлашда бевосита илмий раҳбар бўлган. Almatier учун 30 га яқин фан доктори ва 160 дан ортиқ фан номзодлари тайёрлашда фаол қатнашган. Профессор Р.Ҳаитовнинг фидокорона меҳнати 2 та орден, 8 та медал, 2 марта Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмаси медалининг совриндори, иттифоқ «Билим» жамияти олий мукофоти, академик Н.И.Вавилов медали, иттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг олий мукофоти, академик С.Н. Вышелевский медали, иттифоқ қишлоқ хўжалик ва олий таълим, мудофаа вазирликларининг кўкрак нишонлари, 2 марта Ўзбекистон Олий Совети Президиуми фахрий ёрлиғи, 2 марта Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети, Олий Совети Фахрий Ёрлиғи ва кўплаб турли ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. 1962-1992 йилларда вилоят ва шаҳар кенгашларининг депутати этиб сайланган.

НАРЗИЕВ ДОЛИ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ



Ветеринария фанлари доктори, профессор Д.Х.Нарзиев 1925 йилда таваллуд топган. 1949 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетини битирган. 1958 йилда ветеринария фанлар номзоди, 1974 йилда ветеринария фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилди.

1959–1988 йилларда «Ҳайвонлар анатомияси» кафедрасига раҳбарлик қилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, профессор Д.Х. Нарзиев бир неча ёш олимларнинг докторлик ва номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилиб, ўзининг морфолог – анатомлар мактабини яратган. Қоракўл қўйлари суякларининг ва мускулларининг постнатал онтогенези, макро-микроанатомиясини ўрганиш билан фаннинг ривожига катта ҳисса қўшган. Ҳозирги кунгача фойдаланилиб келинаётган «Ҳайвонлар анатомияси» дарслиги ва 250 дан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифидир.

ИБРОҲИМОВ ШАВКАТ ИБРОҲИМОВИЧ



Ветеринария фанлари доктори, профессор 1930 йилда таваллуд топган. 1952 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини битирган. 1952 йилда гистология ва эмбриология кафедрасига асистентликка қабул қилинди. 1958 йилда «Қоракўл қўйлар ва маҳаллий ўзбек эчкилари вегетатив нерв системасининг анатомияси» мавзусида биология фанлари номзоди даражаси учун диссертация ҳимоя қилди. 1970 йил «Қоракўл қўйлари нерв системаси симпатик қисмининг ҳайвон ёшига қараб ўзгаришлари» мавзусида ветеринария фанлари доктори даражаси учун диссертация ҳимоя қилди.

Ш.И.Иброҳимов «Цитология, гистология ва эмбриология» фанидан дарслик яратган бўлиб, бу дарслик бугунги кунда чорвачилик мутахассислари ва илмий тадқиқотчилар кутубхонасидан ўз ўрнини топган.

Профессор Ш.И.Иброҳимов Ўзбекистонда ветеринария гистологлари мактабини яратди, у кишининг раҳбарлигида 12 дан зиёд фан номзодлари (Ф.И.Дейнего, Н.Ш.Шодиев, М.С.Мусаев, Ш.Темиров, А.С.Даминов, Н.Б.Дилмуродов, Ж.М.Турсагатов, Г.Ф.Мажидова ва бошқалар) тайёрланди.

МАДЖИДОВ ФАТТОХ ҲАФИЗОВИЧ



Ветеринария фанлари доктори, профессор. 1931 йилда Самарқанд шаҳрида тугилган. 1954 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ветеринария факультетини битирган. 1962 йилда «Қорақўл қўйлари ва ўзбек эчкиларининг сийдик айириш ва жинсий органларини ёшга кўра ўзгариши» мавзусида фан номзоди, 1971 йилда «Ҳисори қўйларнинг кейинги оёқ соҳаси вена томирларини ёшга кўра анатомияси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Профессор Ф.Х.Маджидов ветеринария анатомлари мактабининг вакилларидан бири бўлиб, илмий-педагогик фаолияти даврида 125 дан ортиқ илмий асарлар чоп этди. 8 нафар фан номзоди тайёрлади.

Профессор Ф.Х.Маджидовни илмий тадқиқотлари чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, касалликларни даволаш, олдини олиш ва улардан насл олишга қаратилган бўлиб, чорвачиликни ривожлантиришда муҳим ўрин касб этади.

ДАВЛАТОВ НУМОН ШОДМОНОВИЧ



Давлатов Нумон Шодмонович 1971 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ветеринария факультетини муваффақиятли тугатган.

1976 йилда Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институти кундузги бўлим аспирантурасини тугатган.

1979 йилда номзодлик диссертациясини, 1993 йилда «Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари госсиполотоксикози ва уни олдини олиш чоралари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, 1994 йилда профессорлик лавозимини олган.

Профессор Н.Ш.Давлатов 1 та ўқув қўлланма, 1 та рисола, 129 та илмий мақолаларнинг муаллифи ҳисобланади.

Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси, ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси ихтисосликлари бўйича 5 нафар шогирдларининг номзодлик диссертациясига (С.Нажмиддинов, Ҳ.Б.Ниёзов, М.Г.Каримов, Ю.Ю. Худоклинова, М.Исаев) илмий раҳбарлик қилган.

Профессор Н.Ш.Давлатов ҳозирги кунда 2 нафар аспирант ва 1 нафар докторантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилмоқда.

9.4. ҲАЙВОНЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Ҳайвонлар касалликлари ва паразитология кафедраси 2004 йилда «Ички юқумсиз касалликлар ва клиник диагностикаси», «Эпизоотология, микробиология, вирусология ва ветсанэкспертиза» ва «Паразитология» кафедраларининг бирикиши туфайли ташкил топган бўлиб, улар алоҳида-алоҳида кафедралар сифатида 1929-1932 йилларда С.Г.Юдин, Н.В.Василев, Р.М.Восконян, А.А.Покудин, Н.Н.Попов, В.С.Зарубкинский, В.И.Кулинич, Ш.Х.Ҳожибеков, К.П.Чепуров, С.В.Кузнецов, А.М.Ахмедов, В.Н.Баданинлар асосчилигида ташкил этилган. Мазкур кафедраларда турли йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари профессорлар Х.З.Ибрагимов, Э.Х.Иргашев, Н.Г.Шатохин, профессорлар Ш.Т.Расулов, И.И.Архангельский, К.А.Арифжанов, Ж.Ш.Шопулатов, М.П.Парманов, доцентлар И.М.Мамаджанов, М.С.Ҳабиёв, П.Б.Бобоев, Р.П.Пушкарев, Я.Ж.Жиянов, Н.М.Самородов, М.Н.Нурмухамедов, Х.К.Бурхонова, Б.Д.Тулабоев, Б.Я.Ярматов, К.И.Икрамова, П.В.Бонко, Э.И.Ибрагимов, О.А.Бердник, Т.А.Абдурахмонов, М.Г.Жданова, Ш.М.Холматов, Э.У.Узоқовлар фаолият кўрсатганлар.

Собиқ «Паразатология» кафедрасига ЎзРФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Э.Х.Иргашев бир неча йиллар давомида мудирлик қилган. У киши раҳбарлигида профессор М.В.Баданин яратган паразитолог ва гельминтологлар мактаби янада ривожланди, 10 дан ортиқ фан докторлари ва 42 нафардан ортиқ фан номзодлари етишиб чиқди. Кафедра олимлари томонидан Республикамизда турли ҳайвонларнинг гельминто-фаунаси, асосий гельминтозлари ўрганилиб, уларга қарши янги препаратлар, гранулалар яратилди.

Микробиология, клиника ва юкумли касалликлар эпизоотологияси бўлимида профессор Ш.Т.Расулев ЎзРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н.Г.Шатохин, профессор М.П.Пармоновлар раҳбарлик қилганлар, кафедранинг мазкур бўлимида И.И.Архангельский, Н.М.Самородов, Ш.Н.Нурмухаммедов, Ҳ.К.Бурханова, Б.Я.Ярматов, К.И.Икрамова, Х.К.Бозоров, С.М.Муродов, А.Ю.Аберкулов ва бошқалар салмоқли ижод қилиб, ҳайвонларнинг колибактериоз, салмонеллёз, трихофития, паратиф каби юкумли касалликларига қарши биопрепаратлар ишлаб чиқилган.

Кафедранинг ички юкумсиз касалликлар ва клиник диагностика бўлимига 24 йилдан зиёдроқ вақт давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Х.З.Ибрагимов раҳбарлик қилиб, у киши раҳбарлигида 10 дан ортиқ фан доктори ва фан номзодлари тайёрланган. У киши раҳбарлигида диспансер текшириш услубиятлари, триходесмотоксикоз, устилаготоксикоз ва жигар касалликларига қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда ҳайвонлар касалликлари ва паразитология кафедраси профессор-ўқитувчилари профессор Қ.Н.Норбоев раҳбарлигида бакалавриатура йўналишлари талабаларига 16 фандан, ветеринария мутахассисликларининг магистрларига 26 фандан «Таълим тўғрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида дарс беришмоқдалар. Кафедрада ўқув-услубий ва маънавий-маърифий ишлар ҳам ҳозирги замон талаблари даражасида олиб борилмоқда. Кейинги йилларда кафедра профессор ўқитувчилари томонидан 6 та дарслик, 28 та ўқув

кўлланмалари, 2 та монография, 44 та услубий кўрсатмалар, 56 та услубий кўлланма, 54 та маърузалар курси ўзбек тилида чоп этилиб, 12 та ишланмага патент олинган.

«Ҳайвонлар касалликлари ва паразитология» кафедрасида талабаларнинг фанларни яхши ўзлаштиришлари учун барча шарт - шароитлар яратилган бўлиб, паразитология музейи, илмий лабораториялар, амалий машғулотлар учун жиҳозланган хоналар, барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва лаборатория ҳайвонлари, асбоб ускуналар, кампютерлар, слайдлар, кадоскоп каби янги информацион технология воситалари, дарслик ва ўқув кўлланмалари, услубий кўрсатма ва кўргазмали куроллар билан етарлича таъминланган.

Кафедрада илмий тадқиқот ишлари ҳайвонларнинг юқумли касалликлари йўналиши бўйича профессор М.П.Парманов, паразитар касалликлар йўналиши бўйича профессор Б.С.Салимов ва ҳайвонларнинг юқумсиз касалликлари йўналиши бўйича профессор Қ.Н.Норбоев раҳбарлигида олиб борилиб, илмий тадқиқот ишларининг маҳсули сифатида охириги 5 йилда 315 илмий мақолалар чоп этилган, 15 дан ортиқ ветеринария препаратлари ва озикавий аралашмалар тайёрланди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бугунги кунда кафедра жамоаси мудирин профессор Қ.Н.Норбоев, профессорлар М.П.Парманов, Б.С.Салимов, доцентлар М.Б.Сафаров, Р.Б.Давлатов, С.М.Муродов, Ш.Б.Ата-Курбанов, Х.К.Бозоров, А.Ж.Рахмонов, Б.Б.Бакиров, Б.М.Эшбўриев, А.О.Рахмонов, М.Маматова, А.С.Даминов, Т.Тойлоқов, катта ўқитувчилар вет. фан. номзодлари П.М.Ҳақбердиев, Б.Ҳ.Ибрагимов, С.Жуманов, А.Қамбаров, ассистентлар З.Ж.Шопулатова, А.Турсунқулов, Д.Алиев ҳамжиҳатликда ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишларда самарали фаолият кўрсатишмоқдалар.

АРХАНГЕЛЬСКИЙ ИВАН ИВАНОВИЧ



И.И.Архангельский «Микробиология, клиника ва юқумли касалликлар эпизоотологияси» кафедрасида бир неча йиллар фаолият кўрсатиб, бир неча фан доктори ва фан номзодлари тайёрланган. Бузоқларнинг паратиф касаллигига қарши ярим суюқ вакцина муаллифи.

И.И.Архангельский раҳбарлигида сутдаги патоген бактериялар индикацияси бўйича йўриқнома, соғиш аппаратураларини стериллаш услублари ва бу мақсадда қўлланиладиган препаратлар, соғиш мосламаларига санитария режимлари ва услублари, соғин сизирлар елин сўргичларига ишлов берувчи антисептик эмульсияси, қўйлардан тоза сут олиш санитар-гигиеник услублари, маститларнинг диагностикаси ва профилактикаси ишлаб чиқилган бўлиб, ветеринария фани ва амалиётига катта ҳисса қўшилган.

ИБРОҲИМОВ ҲАКИМ ЗОХИДОВИЧ



Йирик олим, тадбиркор терапевт, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ветеринария фанлари доктори, профессор, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани. Республика тоифасидаги шахсий пенсионер.

У иқтидорли педагог ва тарбиячи, шунингдек, паталогия ва терапия, диагностика, патанатомия, токсикология йўналишидаги илмий муаммоларга бағишланган муҳим тадқиқотларнинг муаллифи сифатида танилган олим.

Ўз шогирдлари профессор К.Н.Норбоев, доцентлар М.С.Хабиев, М.Б.Сафаров, Э.Ф.Мухторов, А.Ж.Рахмонов, Б.Б.Бакиров ва бошқалар билан кўп йиллик илмий-тадқиқот ишларининг натижаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистон шароитида қорамоллар, қоракул қўйлар ва чўчқаларнинг клиник-физиологик, гематологик статуслари ва модда алмашинуви даражаларини ишлаб чиқдилар.

1941-1945 йиллар Улуғ Ватан уруши давридаги ҳамда илмий, ижодий ва ижтимоий фаолияти учун 30 дан ортиқ орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

ЭРГАШЕВ ИРКИН ХАМИДОВИЧ



1953 йилда ЎзКХИ ветеринария факультетини аъло баҳоларга битириб, 1956 йилда муддатидан олдин номзодлик диссертациясини ёқлади. 29 ёшида буюк олим, академик К.И.Скрябин ҳамда профессор Н.В.Баданиннинг раҳбарлигида 1963 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва ветеринария фанлари доктори орасида биринчи ўзбек олими бўлиб етишди. Гельминтларни ўрганиш соҳасида эътиборли халқаро илмий мукофот «К.И.Скрябин номи Олтин медал» билан тақдирланган. Биология, тиббиёт, ветеринария соҳаларидаги улкан ҳиссалари, ҳамда ихтиролари, кашфиётлари учун 1969 йилда унга «Собиқ СССР Ихтироچиси» шарафли унвони берилди. Академик И.Х.Иргашев томонидан 750 дан ортиқ илмий асарлар, монографиялар, дарсликлар ва илмий мақолалар чоп этилган. У киши кўпгина халқаро обрўли паразитологик жамиятлар аъзолигига сайланган. Академик И.Х.Иргашев томонидан Ўзбек паразитология мактаби ривожлантирилди, бу мактабда 10 нафар фан докторлари ва 42 нафар фан номзодлари тайёрланди. И.Х.Иргашев 14 жилдли Ўзбек Энциклопедиясини нашр этишда фаол иштирок этган.

И.Х.Иргашевнинг асосий илмий йўналишлари табиатдаги ўзаро муносабатларни ўрганиш муаммолари. биоценоз, паразитоценоз, инсон ва ҳайвонлар паразитар касалликларига қарши курашни такомиллаштиришга бағишланган.

Ветеринария амалиётига биринчи марта юқумли ва инвазион касалликлар билан курашда, даволаш - профилактик чораларини ўтказишда зонали ёндошишни таклиф этган, бу тизимни татбиқ этилиши

натижасида Ўзбекистонда 1959-1965 йилларда 30 га яқини одам ва ҳайвонлар касалликларини соғломлаштириши имкони яратилган.

Академик И.Х.Иргашев ўзининг илмий-ташқилий фаолияти учун турли ҳукумат мукофотлари, орденлари ва медаллари билан мукофотланган. 2003 йилда И.Х.Иргашевнинг хизматлари юқори баҳоланиб, Давлатимизнинг «Дўстлик» орденига сазовор бўлган.

РАСУЛОВ ШУКУР ТОҒАЕВИЧ



1921 йил Нуробод туманидаги Жом қишлоғида таваллуд топган.

- 1941-1945 йилларда ватан урушида қатнашиб қатор жанговор орден ва медаллар билан тақдирланган.

- 1946-1950 йилларда СамҚХИ ветеринария факультетини имтиёзли тамомлади.

- 1954-1959 йилларда кафедра доценти, 1959-1977 йилларда кафедра мудири лавозимида ишлади.

-1970 йилда «Ўзбекистонда бузоқлар темиртки касаллигининг олдини олиш чора тадбирлари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

- Ветеринария асослари ўқув қўлланмасининг ҳаммуаллифи.

- Ўзбекистон совет энциклопедияси қатор жилдларининг ҳаммуаллифи.

- 1973 йилдан профессор, 4 та фан номзоди тайёрлаган.

Темиртки касаллигига диагноз қўйиш, касаллик қўзғатувчисининг ташқи муҳит шароитларга чидамлилиги, даволаш учун махсус дориворларни синаб кўриш, формал кvasли вакцинадан фойдаланиш услублари, касалликнинг иқтисодий зарари, касаллик патогенези, касалликка қарши курашда вакцинани қўллаш муаммоларини ечиб берди. «Микробиология, клиника ва юқумли касалликлар эпизоотологияси» кафедрасига раҳбарлик қилган, устози И.И.Архангельский билан ҳаммуаллифликда ҳайвонларнинг «трихофития» касаллигига қарши «фармол кvasли вакцина» яратилган, у кишининг раҳбарлигида ҳайвонларнинг «колибактериоз», «салмонеллёз» каби

юқумли касалликларига қарши вакциналар ишлаб чиқилган. Бир неча юқумли касалликларни олдини олиш, хўжаликларни соғломлаштириш бўйича тавсияномалар муаллифи ҳисобланади.

ШАТОХИН НИКОЛАЙ ГРИГОРЕВИЧ



1971 йилда Ўзбекистонда қорамол, қўй, эчкиларнинг юқумли мастит касаллиги ва унга қарши кураш чоралари мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

1974 йилдан умрининг охиригача вирусология ветсанэкспертиза ва ҳайвонлар маҳсулотларининг технологияси кафедрасига мудирлик қилган. 1979 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлган.

Профессор Н.Г.Шатохин раҳбарлигида С.Н.Вохидов, Н.М.Маматов докторлик ишини, Х.К.Бозоров, Э.П.Брагина, Р.Ш.Шерқулов, Б.А.Кулиевлар номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Профессор Н.Г.Шатохин илмий изланишларига асосланган ҳолда мастит касалликларига экспресс диагноз қўйиш, хўжаликларни мастит ва метрит касаллигидан соғломлаштириш борасида услубий кўрсатма тайёрлаган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси илмий-техник кенгаши томонидан тасдиқланган. Кафедра ходимлари ҳаммуаллифлигида ҳар хил манбаларда 400 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этган.

САЛИМОВ БҶРИ САЛИМОВИЧ.



Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетини 1959 йил тугатган. 1965 йилда «Ўзбекистоннинг тоғолди-тоғ зонаси шароитида қўйлар фасциолёзи ва дикроцелиозининг

эпизоотологияси ва уларга қарши кураш чоралари» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1975 йилда «Дикроцелиоз бўйича экспериментал тадқиқотлар, касалликнинг эпизоотологияси ва Ўзбекистонда унга қарши кураш» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Б.С.Салимов 1965 йилдан 1979 йилгача ЎзВИТИ гельминтология лабораториясини бошқарди. Шу давр ичида ушбу лабораторияда 40 дан ортиқ номзодлик ва 5 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Б.С.Салимов 2002-2004 йиллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида «Қишлоқ хўжалик фанлари» бўйича эксперт кенгашининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. Сўнгра эса у Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги номзодлик диссертацияларининг ҳимояси бўйича К. 120.34.02 рақамли ихтисослашган кенгашининг ҳозирда эка Д. 120.34.02. рақамли бирлашган ихтисослашган кенгашининг раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Б.С.Салимов етук олим сифатида 03.00.20 - Гельминтология ихтисослиги бўйича илмий мактаб яратди. Унинг энг дастлабки аспирантларидан, ҳозирда фан доктори, профессор Ш.М.Рўзиев 1970 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган бўлса, кейинчалик, олим раҳбарлигида яна 9 нафар фан номзодлари (У.Ҳайдаров, Ж.Эрназаров, А.Назаров, А.В.Куприянова, З.А.Азимов, А.А.Нуруллаев, Б.М.Аширматов, Ш.Д.Авезимбетов, Ш.М.Аминжонов) етишиб чиқди.

1979-1982 йилларда «Зоология ва табиатни муҳофаза қилиш» кафедраси профессори, 1982-1998 йилларда ушбу кафедранинг мудури, ҳозирда ҳайвонлар касалликлари ва паразитология кафедраси профессори.



НОРБОЕВ ҚУРБОН НОРБОЕВИЧ

Профессор К.Н.Норбоевнинг илмий ишлари қишлоқ хўжалик ҳайвонларида модда алмашинуви бузилиши касалликлари ва жигар касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олишга бағишланган. Профессор К.Н.Норбоев ЎзР ВМ Фан ва технологиялар маркази томонидан

ўтказилган танловларда грант соҳиби ГНТП 16/22 (2003-2006 йй.) ва А – 11 - 283 (2006-2008 йй.) Давлат дастурларига илмий раҳбарлик қилиб, ветеринария фанининг ривожланишига ўлкан ҳисса қўшди.

1992 йилдан ҳозиргача кафедра мудури сифатида олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқда. Унинг раҳбарлигида 5640100 - Ветеринария таълим йўналиши ва 5А640101 - «Ҳайвонларга таъхис қўйиш ва даволаш» мутаххасислиги бўйича Давлат таълим стандартлари, касб тавсифномалари ва 5 та фан бўйича намунавий фан дастурлари ёзилиб, ЎЗРОЎМТВ томонидан тасдиқланган.

1991 йилда Санкт - петербург шаҳрида «Бўрдоқиланаётган қўйларда жигарнинг токсик дистрофияси (диагностика, терапия, профилактика)» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Профессор Қ.Н.Норбоев раҳбарлигида 5 нафар фан номзодлари (Б.М.Эшбўриев, Ш.С.Маматов, А.О.Ўразов, Д.А.Ядыханов, З.Ф.Ходжаниязова) тайёрланган. Профессор Қ.Н. Норбоев томонидан 130 дан ортиқ илмий мақола, 1 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма, 6 та тавсиянома чоп этилган. Илмий тадқиқот ишларининг натижаси сифатида 10 дан ортиқ янги ветеринария препаратлари яратилган бўлиб, амалиётга жорий қилинган, у 2 та муаллифлик гувоҳномасининг муаллифи.



М.П.Парманов 1932 йилда туғилган, 1959 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Ветеринария факултетини тугатган. 1960 йилдан бошлаб Эпизоотология кафедраси ассистенти, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудури лавозимларида ишлаган. 1972 йили Қорақўл қўйларни темирлатки касаллигини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари мавзусида номзодлик, 1986 йилда Трихофития овец (этиология, патогенез, клиника, имеры борьбы) мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Профессор М.Парманов раҳбарлигида 1 нафар фан доктори ва 4 нафар фан номзодлари тайёрланган. Ҳозирги кунда талабаларга Эпизоотология фанидан маъруза

ўқийди. 130 дан ортиқ илмий ишлари шу жумлаан 4 та дарслик, ўқув қўлланма, 5 дан ортиқ ихтиролар муаллифи.

ДАВЛАТОВ РАВШАН БЕРДИЕВИЧ



Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ветеринария факультетини 1989 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. 1990-1993 йилларда “Паразитология” кафедрасида аспирантурани ўтаган. 1993 йилда “Товуқ аскаридиозига қарши курашиш тадбирларини такомиллаштириш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини, 2008 йилда “Ўзбекистон шароитида товуқ эймериози ва унинг колибактериоз билан ассоциацияси” мавзусидаги фан докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма, 1 та рисола, 142 та илмий мақолаларнинг муаллифи. 1993-2003 йилгача Паразитология кафедраси ассистенти, доценти ва 2004 йилда мазкур кафедранинг мудури вазифаларида ишлаган.

Давлатов Р.Б. Ҳозирги даврда “Ҳайвонлар касалликлари ва паразитология” кафедраси доценти, ОАК нинг Д 120.34.02. рақамли бирлашган ихтисослашган кенгаши аъзоси ва илмий котиби вазифаларида фаолият кўрсатиб, 3 нафар магистр ва 1 нафар аспирантга илмий раҳбарлик қилмоқда.